



Халқ сўзи

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 ноябрь, № 230 (9125)

Шанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ГИЁҲВАНДЛИК ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг устувор максадларига эришиш, гиёҳвандлик ва уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар саломатлигини ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш мақсадида қарор қиламан:

1. Мақсадлар ва устувор вазифалар

1. Куйидагилар ушбу Фармоннинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ва миллат генофондига жиддий таҳдид солаётган **гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш** ҳамда бунга сабаб бўлаётган **уюшган наркожиноятчиликка чек қўйишга** қаратилган норматив-ҳуқуқий, тезкор-профилактик ва ташкилий-тарбиявий чоралар комплексини белгилаш;

б) **воёта етмаганлар ва ёшларимиз келажагини** гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан **ҳар томонлама асраш** — барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларининг **долзарб вазифаси** эканини алоҳида қайд этиш ҳамда уларнинг бу борадаги **масъулиятини тубдан ошириш**.

2. Куйидагилар гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш фаолиятини амалга оширишга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг **устувор вазифалари** этиб белгилансин:

а) таълим муассасаларида, **ўқувчи ва талабалар** орасида психофаол моддаларнинг тарқалишига **батамом чек қўйиш, ёшларда** гиёҳвандлик иллатига **муросасиз муносабатни шакллантириш** бўйича **таъсирчан чора-тадбирларни комплекс равишда** амалга ошириш;

б) гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик воситалари) ноқонуний айланмасига **қатъий жиноий-ҳуқуқий механизмлар** орқали **барҳам бериш**, бу борадаги **жазо чораларини кескин кучайтириш** ҳамда **ёшларга нисбатан** содир этиладиган наркожиноятлар учун **жавобгарликни оғирлаштириш**;

в) гиёҳвандлик воситаларини республика **чегарасидан олиб кириш** йўналишларини, **интернет тармоқлари** орқали тарқатиш ҳаракатларини, **ноқонуний нарколабораторияларни** ва наркожиноий **уюшмаларни**, шу жумладан, уларга **ҳомийлик (раҳнамолик)** қилаётган мансабдор шахсларни аниқлаш, улар фаолиятига чек қўйиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган **кенг қамровли тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини** йўлга қўйиш;

г) гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган **кимёвий моддалар (прекурсорлар)** айланмаси устидан **қатъий давлат назоратини ўрнатиш**, гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланувчи **тиббиёт муассасалари, фармацевтика** корхоналари ва **дохоналарининг** фаолиятини назорат қилиш амалиётига рақамли ечимларни жорий этиш;

(Давоми 2-бетда).



Хотира

ХАЛҚИМИЗ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН АДИБ

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик, адабиётшунос олим Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 120 йиллигига бағишланган адабий-маърифий кеча ўтказилди. Унда адибнинг ақинлари, адабиёт, санъат ва маданият, илм-фан намоёндалари, маънавият тарғиботчилари, ёшлар қатнашди.

Иштирокчилар Ойбек ҳаёти ва ижоди, захматли фаолиятига бағишланган кўргазма билан танишди.

Тадбирда Президентимиз томонидан илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани суратга олган Ойбек ҳаёти ва ижодида бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Адибнинг невараси — кинорежиссёр Элжон Аббосов суратга олган Ойбек ҳаёти ва ижодида бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Адибий-маърифий кечада Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буюн изчил ривожланиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги мулоқот мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Вашингтонда бўлиб ўтган “С5+1” форматидаги саммит шунга ёрқин мисол бўла олади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи доирасидаги музокаралар икки мамлакат ўртасидаги ишонч ва стратегик шериклиكنи мустаҳкамлади.

Оқ уйда бўлиб ўтган учрашувда Президентлар — Шавкат Мирзиёев ва Дональд Трамп икки томонлама муносабатларнинг истиқболли йўналишларини муҳокама этди. Хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорлиكنи кенгайтириш,

инвестиция муҳитини яхшилаш, технологиялар ва таълим соҳасида тажриба алмашиш каби масалаларда келишувларга эришилди.

Бу мулоқотлар натижасида АҚШ Ўзбекистонни нафақат минтакавий, балки глобал миқёсда ҳам стратегик ҳамкор сифатида кўра бошлагани айни ҳақиқат.

Шу кунларда халқаро ҳамжамият Ўзбекистонни “янги ислохотлар маркази” сифатида эътироф этмоқда. АҚШ Президентининг ижтимоий тармоқда-

Муносабат

ги изоҳлари ҳам бунга яққол далил. Бу Президентимиз томонидан амалга оширилаётган очик, прагматик ва халқчил сиёсатнинг натижасидир.

Ўзбекистон бугун нафақат минтақа, балки кенгроқ халқаро майдонда ҳам муҳим мулоқотлар марказига айланмоқда. Дунё эътиборидаги нуфузи баланд халқаро тадбирларда тинчлик, барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларини илгари сурмоқда.

Ўзбекистоннинг ташки сиёсатидаги бундай фаоллиги Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилдир. АҚШга ташриф ва “С5+1” саммити эса мамлакатимиз учун янги сиёсий ва иқтисодий имкониятлар эшигини очди. ➡3



ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи минтакавий ва глобал ҳамкорлик, тинчлик, барқарорлик тамойилларини мустаҳкамлашда муҳим тарихий воқеадир. Дастлаб АҚШ парламенти вакиллари билан учрашув демократик давлатлар ўртасидаги янги сиёсий мулоқот маданиятининг ёрқин намунаси бўлди, десак, муболага эмас. Мулоқотнинг аҳамияти шундаки, у нафақат икки давлат парламентлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди, балки халқлар иродасини фидо этувчи институтлар ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганидан дарак беради.

Президентимиз парламентларо алоқаларга тўхталган экан, хусусан, АҚШ Сенати ва Вакиллар палатасидаги Марказий Осиё бўйича кокус фаолиятини кучайтиришга хизмат қилди. Фикримизча, бундай парламентларининг амалий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташриф доирасида ўтказилган бизнес-форум, инвестициявий ҳамкорлик алоқаларига доир учрашувлар ва йирик компания ҳамда банк корпуси вакиллари билан мулоқотлар Ўзбекистоннинг иқтисодий имижини янги босқичга кўтарди. АҚШ бизнес доираларининг энергетика, юқори технологиялар, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт

ва таълим соҳаларида ҳамкорлиكنи йўлга қўйиш таклифлари мамлакатимизга қизиқишнинг ортиб бораётганидан далолатдир. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва хусусий сектор фаоллигини кучайтиришга хизмат қилди. Чунки иқтисодий ўсишнинг асосий мезони инсон манфаатларига хизмат қилишидир. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳаларда, аввало, инсон капитали, таълим ва инновацияга эътибор кучайгани эзгу мақсадларимиз билан ҳам ҳамохандир. ➡3

Инсон капиталига сармоя — тараққиёт замини

Бугунги кунда Ўзбекистон ташки сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ривожланган мамлакатлар билан стратегик шериклиكنи кенгайтириш ва замонавий билим ҳамда илмий инновациялар алмашинувини таъминлашдир. Бу жараёнда АҚШ билан ҳамкорлик, айниқса, олий таълим, фан ва инновациялар соҳаларида янги босқичга кўтарилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган таълим ислохотлари, инсон капиталига йўналтирилган давлат сиёсати ва “таълим — илм — инновация” уйғунлигига асосланган тизим мамлакатимизнинг халқаро майдонда жозибали ҳамкор сифатида намёнён этмоқда. Шунингдек,

Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги “С5+1” формати минтакавий ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб бермоқда. Ушбу формат доирасида Ўзбекистоннинг Америка олий ўқув юрталари билан ўзаро шериклиги нафақат таълим соҳаси, балки фан, технология ва инновациялар жабҳаларида ҳам амалий самара бера бошлади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлигининг илк йўналишларидан бири инглиз тилини чуқур ўргатиш ва замонавий педагогик тажрибани жорий этишдир. Ҳар йили АҚШ университетларидан ўнлаб тажрибали ўқитувчилар мамлакатимиз олий ўқув юрталарига ташриф буюриб, “Fulbright”, “English Language Fellows Program”, “English Teaching Assistants” каби дастурлар орқали маҳаллий мутахассислар билан биргаликда фаолият юритмоқда.

Шунингдек, АҚШ давлат департа-

Конференция

МАМЛАКАТ ЭРТАСИНИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН КУЧ

Кеча Тошкент шаҳрида «Давлат бошқарувида аёлларнинг роли: Ўзбекистон келажагини шакллантираётган ислохотлар овози» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бошқарув самарадорлиги агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва oila масалалари бўйича республика комиссияси ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда фаол раҳбар аёллар қатнашди.

Тадбирни очар экан, Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева хотин-қизларнинг сиёсий,

ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги фаоллигини ошириш давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. Жумладан, 4 йил давомида фаолият юритаётган “Раҳбар аёллар мактаби” орқали 400 нафардан ортиқ хотин-қизлар замонавий бошқарув ва етакчилик кўникмаларини ўзлаштирди. Бугунги кунда захирага киритилган аёл кадрлар ўз салоҳияти, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан ажралиб турибди. ➡2

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ — ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

чайди. Бу борадаги ишлар қамрови янада ортди.

2025 йилда барча даражадаги касаба уюшмалари органларининг ваколат муддатлари тугаши муносабати билан тизимдаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди. Тизимда ички демократияни янада мустаҳкамлаш сари муҳим қадам қўйилиб, тизим тарихида илк маротаба барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари раислари ва раис ўринбосарлари сайлови муқобиллик асосида, ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ҳолда фаолият олиб борадиган раис ва раис ўринбосарлари сайлови эса муқобиллик асосида, муқаррар равишда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

Шу йилнинг 1 ноябрь кuni пой-

тахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX курултойи бўлиб ўтди. Унда мазкур жамоат ташкилоти раиси Қудратилла Рафиқовнинг ҳисобот маърузаси иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Федерация тизимида илк бор муқобиллик асосида ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Қудратилла Рафиқов кўпчилик овоз билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси этиб сайланди.

Ўтган 5 йиллик ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг корхона ва ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқлари ҳимоя қилишдаги жонбозлиги натижасида 500 мингга яқин ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, улар фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилди.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг 27 минг 387 та муурожаати кўриб чиқилиши натижасига кўра жами 32 минг 651 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 105 миллиард 909 миллион сўмдан зиёд маблағ ундириб берилди. Барча ҳудудда иш берувчилар томонидан ходимларга тўланадиган иш ҳақи уларнинг малакасига мувофиқлиги назорати олиб борилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейи муносабати билан жорий йил 2 октябрдан ушбу санага бағишланган махсус почта маркалари туркуми муомалага киритилди. Мазкур туркум 9 та почта маркасидан иборат бўлиб, кичик варақ кўринишида тайёрланган.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ВА МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ГИЁҲВАНДЛИК ВА НАРКОЖИНОЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

д) аҳоли, айниқса, **вояга етмаганлар ва ёшлар** орасида гиёҳвандлик ҳамда заҳарвандликни **ташхислаш, даволаш** ва **тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш** тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган манзилли чора-тадбирларни белгилаш.

II. **Норматив-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш**
3. Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2025 йил якунига** қадар бугунги кундаги амалиёт, замон талаблари ва илғор хорижий тажрибаларни комплекс ўрганган ҳолда гиёҳвандлик воситалари айланмасини тартибга солиш механизмлари ҳамда наркожиноятларнинг олдини олиш ва фош этишда давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ масъулиятини белгилайдиган **“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”**ги Қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

4. Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик қизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Божхона қўмитасининг қуйидаги **тақлифлари маъқуллансин:**

а) уюшган наркожиноятчиликка жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали қарши курашиш фаолиятини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Жиноят кодексида **“Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондида қарши жиноятлар”** номли алоҳида янги бўлим киритиш;

б) наркожиноятларнинг янги шакллари, усуллари ва уюшганлик даражасидан келиб чиқиб, қуйидаги қилмишлар учун **йигирма йилгача** озодликдан маҳрум қилиш жазосини белгилашни назарда тутувчи **жиноий жавобгарлиқни** киритиш;

и) **наркожиноий уюшма** ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, гиёҳвандлик воситаларини **уюшган гуруҳ** томонидан **трансчегаравий усулларда** ёки **интернет** тармоғидан фойдаланиб **ўтказиш**;

ii) гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний муомалага киритишга ҳоқимият (мансаб) ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан **ҳомийлик (раҳнамолик) қилиш** ёки **бундай жиноятлар** фош бўлишининг олдини олиш мақсадида **хабар бериш**;

iii) **гайриконуний нарколаборатория** ташкил этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш;

в) гиёҳвандлик воситаларини **жамоат жойларида истеъмол қилганлик** учун **ўн беш суткагача** маъмурий қамоқ жазосини қўллашни назарда тутувчи **маъмурий жавобгарлиқни** киритиш;

г) наркожиноятлар содир этилиши ва қайта содир этилишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги қилмишлар учун **жиноий жавобгарлик чораларини** **икки бараваргача оғирлаштириш:**

и) гиёҳвандлик воситаларини **ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп миқдорда** тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташishi ёки жўнатиш, шунингдек, уларни ноқонуний равишда **кўп миқдорда ҳар қандай усулда ўтказиш**;

ii) кучли таъсир қилувчи моддаларни **таълим ташкилотларида, озодликдан маҳрум қилиш жойларида, интернет тармоғидан** фойдаланиб, хавфли ёки ўта хавфли **рецидивист** томонидан муомалага киритиш, шунингдек, уларни кўп миқдорда **контрабанд**а қилиш;

iii) алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласини (ўтказиш мақ-

садисиз) **кўп миқдорда ва такроран содир этиш**;

iv) гиёҳвандлик воситаларини ҳар қандай шаклда **истеъмол қилишга жалб этиш** одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлганда;

д) **вояга етмаганларни** ва **ёшларни** наркожиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида:

и) ҳар қандай наркожиноятни вояга етмаган шахсларга нисбатан ёки уларни жалб қилган ҳолда содир этишини **жиноий жавобгарлиқни оғирлаштирувчи** ҳолат сифатида қайд этиш;

ii) **вояга етмаган шахсни** кучли таъсир қилувчи моддаларни **истеъмол қилишга жалб қилганлик** учун **тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик** белгилаш;

iii) **таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки таълим ташкилотларида туташ ҳудудларда** кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказганлик учун **жиноий жавобгарлик чораларини** **икки бараваргача оғирлаштириш**;

iv) **вояга етмаган шахсларни** кучли таъсир қилувчи моддаларни айнан таълим ташкилотлари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳларида ёки уларга туташ ҳудудларда истеъмол қилишга жалб қилганлик учун **ўн йилгача** озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи **жиноий жавобгарлиқни** киритиш;

ж) айрим наркожиноятларни содир этган шахсларни **жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилмаслик** тартибини жорий этиш.

5. **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича комиссия** маҳкумларнинг афв этишга оид муурожаатларини ўрганишда аҳоли генофондига қарши содир этилган ҳар қандай жиноят давлат, жамият ва шахс учун **жиддий хавф эканига** ҳамда **ўта оғир оқибатларга олиб келишига** алоҳида эътибор қаратсин.

III. **Комплекс чора-тадбирларни белгилаш ва уларнинг ижросини таъминлаш**

6. **Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури** (кейинги ўринларда — Миллий дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиклансин.

7. Масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари **ўз соҳавий йўналиши ва ҳудуди кесимида** Миллий дастур ижросини манзилли ташкил этиш бўйича **ҳар чораклик “йўл хариталари”**ни ишлаб чиқишни таъминласин.

8. Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш борасидаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда Миллий дастур ижросини тизимли равишда назорат қилиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида фаолият кўрсатувчи **Республика идоралараро мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ** (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ) 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

9. Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (С. Гордеев, Б. Ташматов):

а) Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) қошида масъул вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат Мувофиқ-

лаштирувчи ишчи гуруҳ **штаби таркибини шакллантирсин** ҳамда 2025-2026 йилларда мазкур Фармон билан белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасидаги ишларнинг натижадорлигини, шу жумладан, жойларга чиққан ҳолда **тизимли ўрганиш ва мониторинг** қилиб боришни **ташкил қилсин**;

б) Миллий дастурда назарда тutilган чора-тадбирларнинг **изчил, сифатли ва ўз вақтида** амалга оширилишини **доимий равишда ва қатъий назорат қилиб бorsин**.

10. Миллий дастур, соҳавий ва ҳудудий “йўл хариталари”да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда аниқ натижаларга эришиш юзасидан **масъулият** давлат органлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимликларнинг **шахсан бири-ничи раҳбарлари зиммасига юклатилсин** ва мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлиги таъминланмаган тақдирда, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида **огоҳлантилсин**.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) масъул давлат органлари, идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар **ҳар ой якунида** мазкур Фармонда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш борасида қилинган аниқ ишлар ҳамда Миллий дастурнинг ижроси юзасидан **ҳисоботларни** Агентликка **киритиб боради**;

б) Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ:

и) **ҳар ойда** масъул давлат органлари, идоралари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг мазкур Фармонда белгиланган устувор вазифаларнинг **соҳалар ва ҳудудлар кесимида** ижроси юзасидан **ҳисоботларини эшитaди**, натижадорлиги бўйича **танқидий муҳокама**лар ўтказади ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга нисбатан ла-возимидан озод этишгача бўлган **таъсир чораларини кўриб боради**;

ii) **ҳар чоракда** республикада гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш борасида мазкур Фармонга асосан кўрилган манзилли чоралар ва эришилган аниқ натижалар юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот кири-тиб боради**.

IV. **Наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ва аниқлаш механизмлари**

12. Саноат ва тиббиётда фойдаланиладиган **кимёвий моддаларнинг** синтетик наркотиклар, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларни ноқонуний тайёрлаш жараёнига кириб боришининг **олдини олиш мақсадида**:

а) Ўзбекистонда муомаласи чекланган **прекурсорлар рўйхатини** халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда **кенгайтириш** чоралари кўрилсин ҳамда уни **соддалаштирилган тартибда** **тезкорлик билан янгиллаб бориш** (тўлдириш) механизмлари жорий этилсин;

б) **прекурсорларнинг** қонуний муомаласини **тартибга солиш** ҳамда улар ишлаб чиқарилишдан (хориждан келтирилишидан) бошлаб реализация қилинишгача (транзит ўтиши, махсусот ишлаб чиқаришда фойдаланиш, сотиш, сақлаш, бериш ва бошқа) бўлган барча жараёнларни **электрон назорат қилиш тизимини** йўлга қўйишни на-зарда тутувчи **қатъий давлат назорати ўрнатилсин**;

в) Агентликка Ўзбекистонда **прекурсорлар** муомаласи устидан **тизимли назоратни** амалга ошириш ҳамда уларнинг **ноқонуний айланмаси** юзасидан ваколатли ҳуқуқ-тар-

тибот органларига терговга қадар текширувни ўтказиш юза-сидан **тақдимнома киритиш ҳуқуқи берилсин**;

г) Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти ва Божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш бошқармаси тузилмаларида, мавжуд штатлар доирасида, **прекурсорларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш бўлимлари** фаолияти йўлга қўйилсин.

13. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда**:

а) прекурсорларнинг қонуний муомаласини тартибга солишга ва бу борада унинг барча босқичларида қатъий давлат назорати механизмларини белгилашга, шунингдек, прекурсорларнинг **ноқонуний муомаласи** ҳамда улардан **фойдаланиш тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлиқни киритишга** қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин;

б) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар ҳақида **хабар берган ёки аниқлашга кўмаклашган фуқароларни муносиб рағбатлантириш** тартибини жорий этилиши назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган Тартибда Вазирлар Маъҳамасига киритсин.

14. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2026 йил 1 июлга қадар** интернет тармоғидаги наркодўконларни ҳамда гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш ҳолатларини **сунъий интеллект** технологиялари ёрдамида аниқлаш ва блоклашга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш бўйича **ёшлар ўртасида ҳақотан ўтказсин** ҳамда энг мақбул тақлифларни танлаб олиб, амалиётга жорий қилиш чораларини кўрсин.

15. Ички ишлар вазирлиги (А. Ташпулатов):

а) **2025 йил якунига қадар** ички ишлар органларининг барча **профилактика инспекторларини** хизмат олиб бораётган маҳаллалар ҳудудида **гайриконуний нарколабораториялар ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларини кўлбола усулда қадокловчи цехларни аниқлаш** бўйича ўқитиш-ни ташкил қилсин ҳамда уларнинг бу борадаги самарали фаолиятини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан му-носиб рағбатлантириш ёки бошқа идоралар (соҳавий бўлинмалар) томонидан маҳаллада аниқланган тақдирда интизо-мий жазо чораларини қўллаш амалиётини йўлга қўйсин;

б) Мудофаа саноати агентлиги билан биргаликда **2026 йил 1 мартга қадар** ички ишлар органлари учун тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари намуналарини **экспресс текшириш бўйича энг замонавий техник воситаларни** харид қилиш ва амалиёт-га жорий этиш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

V. **Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳуж-жатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С. Ш. Мирзиёева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 3 ноябрь	

МАМЛАКАТ ЭРТАСИНИ ШАКЛЛАНТИРАЁТГАН КУЧ

◀1 Шу билан бирга, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Сўнгги саккиз йилда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган 110 дан ортқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг гендер экспертизадан ўтказилиши, гендер аудит ва бюджетлаштириш тизимларининг жорий этилиши соҳада комплекс ёндашувни таъминламоқда.

Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда тадбиркор хотин-қизлар сони 3,7 баробар ошгани таъкидланди.

Мамлакатимизнинг парламент тизими-

да хотин-қизлар иштирокининг изчил ор-тиб бораётгани қайд этилди. Жумладан, Қонунчилик палатаси депутатларининг 38, Сенат аъзоларининг 27 фоизи, шунинг-дек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 32 фоизидан ортигини аёллар таш-кил этади.

Бугун мамлакатимиз минтақавий ва халқаро даражада хотин-қизлар етак-чилиги соҳасида тажриба марказига ай-ланиб бормоқда. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг бу борадаги сазй-ҳара-катлари юқори баҳоланмоқда. Хусусан, Жаҳон банки баҳолашига кўра аёллар-нинг ҳуқуқ ва имкониятларини кен-гайтириш бўйича энг катта ютуқларга эришган беш мамлакат қаторида Ўзбе-кистон ҳам бор.

Тадбирда таъкидланганидек, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иш-тирокини янада кенгайтириш, раҳбар-лик лавозимларига тайёрлаш тизимини кучайтириш, жойларда ҳам аёллар етак-чилигини қўллаб-қувватлаш долзарб ва-зифа бўлиб қолмоқда.

Хусусан, хотин-қизларни қарорлар қабул қилиш жараёнларида фаол жалб этиш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, рақамли иқтисодиёт ва илм-фанда иштирокини кенгайтириш-га қаратилган ишларни изчил да-вом эттириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВАКОЛАТИДАН ЕТАРЛИЧА ФОЙДАЛАНЯПТИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси А. Тўйчиев Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туманларида бўлиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари жорий фаолияти билан яқиндан танишди.

Сенаторлар — ҳудудларда

Ташриф доирасида маҳаллий Кенгашларнинг депутатлик фаоля-ти, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ечимини таъминлашда Кенгаш ваколатларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Депутатлар ташаббускорлигини кучайтириш, аҳоли муурожаатлари-ни тизимли ўрганиш ва уни ҳал этишда давлат органлари билан

ҳамкорлиқни кенгайтириш долзарб йўналиш сифатида айтилди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини методик ва ташкилий жиҳатдан янада такомиллаштириш, Кенгаш қарорларини қонунийлик талабларига мувофиқ равишда қабул қилиш, қонунлар муҳокамаси ва тарғиботи, қонунчилик ташаббус-ларини шакллантириш ҳамда Кен-

гаш сессияларида масъул ташки-лотлар ҳисоботларини эшитиш ама-лиётини кучайтириш бўйича тегиш-ли тавсиялар берилди.

Сенатор, шунингдек, “маҳалла ет-тилиги” вакиллари билан учрашув ўтқа-зиб, аҳоли турмуш даражасини оши-риш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувват-лаш, камбағаллиқни қисқартириш, иж-тимоий хизматлар сифатини яхшилаш борасидаги қонунчилик ҳамда амалий тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Жойлардаги муаммоларни тезкор ҳал этишда ҳамжиҳатлик ва масъу-лиятнинг муҳимлиги алоҳида таъ-кидланди.

«Халқ сўзи».

Учрашув
Фаоллик ва
интилувчанлик даври

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги ва экология қўмитаси раиси ўринбосари С. Абдикаримова Хоразм вилоятида ёш битирувчилар билан учрашув ўтказди.

Унда таъкидланганидек, юртимизда ёшларга кўрса-тилаётган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўна-лишларидан бирига айланиб, уларнинг замонавий би-лим олиши, касб эгаллаши ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатда ёшлар бандлигини таъмин-лашга қаратилган қатор дастур ва ташаббуслар амалга ошириляпти.

Айни пайтда ҳудудларда битирувчи ёшларнинг банд-лигини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳлар ва штаблар фаолият юритмоқда. Учрашувда ёшларга мазкур гуруҳ-ларнинг вазифалари ҳамда ишлаш механизми ҳақида ат-рофлича маълумот берилди.

Шунингдек, ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш, фан ва инновациялар йўналишида ютуқлар-га эришган фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни тад-биркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланб олинди.

Мулоқот давомида талаба ва битирувчи ёшлар ўзларини қизқиртган саволларига батафсил жавоб-лар олди.

«Халқ сўзи».

Япония пойтахти Токио шаҳрида «Ўзбекистон маҳсулотлари» савдо ярмаркаси очилди.

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев “C5+1” форматада илгари сурган ташаббуслар Марказий Осиё давлатлари истикболида улкан аҳамият касб этади. Хусусан, иштирокчи мамлакатларда навбати билан жойлаштирилаётган доимий фаолият юритадиган Котибиятни таъсис қилиш ҳамкорлиқни институционал даражада мустақамлайди. Вазирлар даражасидаги Инвестициялар ва савдо бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилиши иқтисодий ҳамжиҳатлиқни таъминлайди. “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” жамғармасини ишга тушириш минтакавий лойиҳаларни молиялаштиришда янги платформа вазифасини бажаради.

Бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчилик ролини, шунингдек, минтакавий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашдаги масъулиятини яна бир бор намоён этди. Мамлакатимиз халқро майдонда ўз сўзини айта оладиган, ишончли, масъулиятли ва тинчликпарвар давлат сифатида барқарор равишда илгариланмоқда.



Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга амалга оширган таширифи нафақат икки давлат ўртасидаги стратегик шериклиқни мустақамлади, балки Марказий Осиёда барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳитини янада чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Оқ уйда Президент Дональд Трамп билан бўлиб ўтган учрашув, шунингдек, “C5+1” форматадаги саммит минтақа учун иқтисодий, энергетика ва гуманитар йўналишларда янги имкониятлар эшигини очди. Президентимизнинг минтакавий ҳамкорлиқни кучайтириш, йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини ривожлантириш, муҳим минералларни қайта ишлаш ва Америка технологияларини жалб этиш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон ташқи сиёсатининг аниқ ва амалий йўналишига эга эканини яна бир бор намоён қилди.

АҚШ Президенти Дональд Трамп ҳам ўз саҳифасида Президент Шавкат Мирзиёевни минтакавий барқарорлик ва прагматик



нафақат икки давлат ўртасидаги муносабатлар, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва интеграцияни ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шавкат Мирзиёев Оқ уйда Дональд Трамп билан бевосита мулоқот ўтказди ва бу учрашувда стратегик шериклик, иқтисодий ҳамкорлик, инвестициялар ва маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари кенг муҳокама қилинди. Етакчилар кўшма лойиҳаларни илгари суришнинг институционал механизмларини яратиш ва такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Учрашув якунида давлати-

миз раҳбари АҚШ етакчисини Ўзбекистонга расмий ташириф билан келишга ва келгуси саммитни 2026 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф қилди.

Энг муҳими, Вашингтон бугун Ўзбекистонни нафақат минтакавий, балки глобал миқёсда ҳам ишончли шерик сифатида кўра бошлади. Бу — Президентимиз сиёсатидаги очкилик, прагматизм ва тинчликпарвар ёндашувнинг самараси.

Мамлакатимиз дунёдаги муҳим мулоқотларда ўз сўзини айта оладиган, ишончли ва масъулиятли шерик сифатида тан олинмоқда. Президентимизнинг АҚШга таширифи эса Ўзбекистоннинг замонавий, очик ва тинчликпарвар давлат сифатида халқро майдондаги обрўсини янада мустақамлади.

Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳаёлиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси.



ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ташрифнинг энг муҳими ва дунё ҳамжамияти диққат марказида турган воқеаси — давлатимиз раҳбарининг Президент Дональд Трамп билан учрашуви бўлди. Бу мулоқот нафақат икки сиёсий арбоб ўртасидаги фикр алмашинуви, балки Марказий Осиё минтақаси учун муҳим бўлган келгуси ҳамкорлик тенденцияларини белгилаб берувчи стратегик жараён сифатида баҳоланади.

Учрашувда минтақа хавфсизлиги, иқтисодий шериклик ва янги технологиялар соҳасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Дональд Трамп Ўзбекистоннинг янги ислохотлари, халқчил сиёсати, очик иқтисодий муҳит яратиш, инвестициявий қарорлар ва инсон ҳуқуқларига оид қадамларини олқишлади. Бу билан Ўзбекистоннинг мустақил, прагматик ва манфаатли ташқи сиёсатини яна бир бор дунёга намоён қилди.

Давлатимиз раҳбарининг Америка Кўшма Штатлари мезбонлигида ўтган “C5+1” форматадаги саммитда иштироки ҳар томонлама манфаатли бўлди. Қайд этиш жоизки, бунга қадар ҳеч қачон Марказий Осиё давлат раҳбарлари бир пайтнинг ўзида Оқ уйда жам бўлиб, АҚШ билан музокара ўтказмаган эди.

Саммитда муҳокама қилинган масалалар — экология, сув ресурсларини бошқариш, транспорт логистикаси, “яшил” иқтисодиёт ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик йўналишлари — келажак авлод манфаатини ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадамлардир.


Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар — минтақадаги барқарорлик ва ўзаро ишонч муҳитини мустақамлашга қаратилган билан аҳамиятли бўлди. Чунки барқарор ривожланишнинг асоси тинчлик, адолат ва инсонпарвар сиёсатдир.

Албатта, бундай таширифлар ва сиёсий мулоқотлар орқали мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини янада мустақамлайди. Зеро, адолатли, очик ва инсонпарвар сиёсат — келажак тараққиётининг энг ишончли кафолатидир.

Робохон МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари.

Эришилган келишувлар юртимиз раўнақида муҳим омил

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга таширифи сўнгги йиллардаги энг самарали ташқи сиёсат воқеаларидан бири бўлди ва биз унинг бутун мамлакат учун стратегик аҳамиятини таъкидлашни лозим, деб биламиз.



Кўп йиллардан сўнг биринчи марта давлатимиз жаҳон етакчилири даражасидаги тўғридан-тўғри мулоқотнинг сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйди. Бу мулоқотда нафақат анъанавий хавфсизлик масалалари, балки яқин келажакда Ўзбекистоннинг иқтисодий манзарасини ўзгаришига қодир бўлган аниқ молиявий, технологик ва инвестициявий лойиҳалар ҳам муҳокама этилди.

Ташрифнинг асосий натижаси сифатида инвестициялар тўғрисидаги қатор ҳужжатлар ва меморандумлар имзоланганини айтиш жоиз. Америка ва Ўзбекистон томонларининг баҳоланишга кўра, уларнинг умумий эълон қилинган ҳажми бир неча ўн миллиард доллардан ошди.

Авиация соҳасидаги йирик битимларнинг илгари сурилиши алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон ва АҚШ томони “Boeing” билан ҳамкорлиқни кенгайтириш масалаларини, жумладан, самолётлар паркинни янгилаш, техник хизмат кўрсатиш ва айрим технологик жараёнларни маҳаллийлаштириш режаларини муҳокама қилди. Бунда миллий фуқаро авиациясининг хавфсизлиги ва рақобатбардорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган миллиардлаб долларлик шартномалар ҳақида сўз бормоқда.

Рақамлаштириш соҳасидаги келишувлар ҳам муҳим йўналишга айланди. Жумладан, АҚШнинг етакчи технология компаниялари сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва давлат хизматларини замонавийлаштириш дастурларида иштирок этиш ниятини билдирди. USAID ва қатор хусусий жамғармаларнинг таълим тизимидagi ислохотлари, айниқса, муҳандислик ҳамда IT-қадрлар тайёрлаш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдаги иштироки тасдиқланди. Бу эса мутахассислар тайёрлаш бўйича миллий моделни кейинчалик такомиллаштириш ва Ўзбекистоннинг глобал билимлар иқтисодиётидаги маъкеини мустақамлаш учун ишончли замин яратди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг ушбу таширифи нафақат муҳим халқро аҳамиятга эга, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустақамлаш учун янги имкониятлар очди. Ушбу босқичда эришилган келишувларни изчил қўллаб-қувватлаш ва уларнинг амалий ижросини таъминлаш муҳим. Бунинг учун сифатли мувофиқлаштириш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши тўғрисида парламент ва жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш масалаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бугун мамлакатимизда сўнгги ўн йилликдаги энг йирик инвестиция цикли арафасида турибди. Президентимизнинг АҚШга таширифи Ўзбекистон учун янги молиявий ва технологик имкониятлар эшигини очди. Энди бу имкониятларни аниқ иш ўринларига айлантириш, миллионлаб фуқароларимизнинг барқарор ўсиши ва ҳаёт сифатини ошириш барчамизнинг бурчимиздир.

Ғалия РАЙХАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон ва АҚШ олий таълими:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ёзги таътилларда эса “Summer Camp” лойиҳаси орқали мактаб ўқувчилари учун инглиз тилини ўргатиш, интерфаол машғулотлар, ўйин ва саёхатлар ташкил этилади. Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги ана шундай ёзги лагерда 2022 йилда 150 нафар бола қатнашиб, нафақат тил билимини, балки халқро мулоқот маданиятини ҳам ривожлантириш имкониятига эга бўлди.

«EducationUSA» ва университетларро алоқалар

АҚШ элчихонаси қошидаги “EducationUSA” дастури Ўзбекистон ёшларига Америка университетларида таълим олиш, грант ва стипендия дастурларига қатнашиш имкониятларини очиб бермоқда. Элчихона ходимлари мамлакатимиз университетларида ташириф буюриб, талабалар учун амалий семинарлар ўтказмоқда.

Шу билан бирга, “American Councils for International Education” ташкилоти томонидан амалга оширилаётган “UNICEN” ва “Faculty Enrichment Program (FER)” лойиҳалари университетларро шериклиқни фаол қўллаб-қувватламоқда. Фақатгина сўнгги икки йил ичида Ўзбекистоннинг 22 та олий ўқув юрти АҚШнинг 25 дан зиёд университетлари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатди. 2023/2024 ўқув йилида 9 нафар профессор ва тадқиқотчи Америка Кўшма Штатларида 4-5 ойлик малага ошириш курсларида қатнашди.

Ўзбекистондаги АҚШ университетлари ва янги қадамлар

Хозирда Ўзбекистонда АҚШ таълим тизими асосида фаолият юритаётган Вебстер университети ҳамда янги ташкил этилган Тошкентдаги Америка технологиялар университети каби нуфузли олий таълим муассасалари “C5+1” ҳамкорлик платформаси доирасида белгиланган устувор йўналишлар билан ҳамоҳанг фаолият олиб бормоқда.

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети халқро муносабатлар, коммуникациялар, ахборот технологиялари ва бизнес бошқаруви йўналишларида талабаларни жаҳон меҳнат бозорига тайёрламоқда. Америка технологиялар университети эса Аризона давлат университети билан ҳамкорликда очилган бўлиб, бу ерда муҳандислик, ахборот технологиялари ва бизнес бошқаруви соҳаларида юқори маалали мутахассислар етишиб чиқади. Мазкур университетларда америкалик профессорлар иш тирокида дарслар олиб борилади, таълим жараёни халқро стандартлар асосида ташкил этилган.

Ўзбекистон ҳукумати АҚШ университетларида янги филиаллар очиш, икки дипломи дастурларни йўлга қўйиш ва америкалик профессорларни қисқа ва узок муддатли дарс бериш дастурларига жалб этиш таклифини илгари сурмоқда. Айниқса, техник, муҳандислик, энергетика, тиббиёт, архитектура ва IT йўналишлари бугунги ҳамкорликнинг устувор соҳалари сифатида белгиланган.



Юта штати билан янги йўналишлар ва «C5+1» доирасидаги имкониятлар

Президентимиз топшириғига кўра, Ўзбекистон олий таълим тизими АҚШнинг Юта университети билан ҳамкорлик ўрнатди. Эндилликда олийоҳларимизда ушбу университет билан бирга барқарор ривожланиш ва табиати асраш бўйича кўшма курслар очилади, талабалар учун қисқа стажировкалар ва грант дастурлари жорий этилади.

Юта штати иқтисодий жиҳатдан АҚШнинг энг барқарор худудларидан бири бўлиб, муҳандислик ва тиббиёт соҳаларида кадрлар етишмовчилигини ҳис этмоқда. Шу боис мазкур соҳаларда Ўзбекистон университетлари билан амалий ҳамкорлик икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Шунингдек, “C5+1” форматаи доирасида АҚШ томони Марказий Осиё мамлакатларида илмфан ва таълим соҳасини ривожлантириш, иқлим ўзгариши, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, энергия манбалари ва инновацион иқтисодиёт каби мавзуларда ҳамкорлиқни қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистонлик ёш муҳандислар халқро тажриба орттиради

Ўзбекистон Президенти ташаббуслари асосида жорий йилда ташкил этилган “Муҳандислик танлови”нинг ғолиблари инновация ва технологик йўналишда халқро майдонда ўз салоҳиятини синаш имкониятига эга бўлди. Улар учун АҚШдаги “Силикон водийси” ва дунёда биринчи ўринда турадиган Массачусетс технологиялар институти (MIT) билан амалий стажировка келишувлари имзоланди.

Мазкур ташаббус орқали ғолиблар нафақат ўз лойиҳаларини ривожлантириш, балки “Google”, “Tesla”, “NVIDIA”, “Meta” каби компаниялар жойлашган технологик марказларда замонавий тажриба орттириш имкониятидан баҳраманд бўлади. Бу уларнинг профессионал салоҳиятини юксалтириш, инновацион гояларини амалга ошириш ва глобал технологик экотизимда ўз ўрнини топиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Америкадаги Жаҳон савдо маркази билан ҳамкорликда ўзбекистонлик ёш стартапчиларни АҚШ стартап бозорига олиб чиқиш бўйича келишувга эришилди. Бу ҳамкорлик ёш инноваторларга халқро инвестицияларни жалб қилиш, тажрибали менторлар билан ишлаш, стартап тармоғига интеграция ва ўз лойиҳаларини глобал бозорга чиқариш имкониятини яратди.

Бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг инновация ва стартап соҳасидаги сиёсатини янги босқичга олиб чиқади, ёшларнинг халқро технологиялар ва стартап экотизими билан яқиндан танишиши ҳамда илгор тажрибалардан фойдаланишлари учун зўр шaroитдир.

ЎЗАРО ҲУРМАТ МУСТАҚАМЛАНАДИ

Ҳар қандай жамиятда маданият тинчлик, барқарорлик ва инсонпарварлик гояларининг пойдевори ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Инсон қадри учун” тамойили ҳам ана шу фалсафага таянади.

Ўзбекистон ва Мисрнинг тарихий меросга бўлган ҳурмати, албатта, бир-бири билан уйғун. Катта Миср музейининг очилиш маросимига Ўзбекистон делегациясининг тақлиф қилиниши ва иштироки ана шу ҳамоҳангликнинг амалий натижасидир. Музей ва унинг ҳар бир зали, экспонати инсон тафаккури, яратувчанлик ва эзгуликнинг ғалабасини тарғиб этади. Бу музей фақат Мисрнинг эмас, балки бутун инсониятнинг умумий маданий меросига айланган улкан мажмуа сифатида қадрланади.

Мажмуа жаҳон маданияти тарихида янги саҳифа очди. У цивилизация ва ҳамжиҳатлик йўлида халқларни бирлаштирувчи тарихий мерос манбандир.

Ҳар бир миллат ўз ўтмишини қадрлар экан, бошқаларнинг маданиятига ҳам ҳурмат билан ёндашади. Ўзбекистон ва Мисрнинг инсоният тамаддунига хизмат қилган бой тарих ва илмий меросга бўлган юксак ҳурмати, бу борадаги ҳамкорлиги нафақат маданий, балки иқтисодий ва сиёсий нуктаи назардан ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Васила ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ташқи сиёсатида халқро ҳамкорликка устувор аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг очкилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсий стратегияси натижасида дунё мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

Катта Миср музейининг очилиши маданий мулоқотлар даврининг янги саҳифаси бўлди, дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг мажкур жараёндаги иштироки эса жаҳон цивилизацияси билан тенг мулоқот қила оладиган, тарихий меросини замонавий дунёда илгари сураётган давлат сифатидаги маъкеини янада мустақамлади.

Катта Миср музейи қарийб 20 йил давомида қурилиб, 100 мингдан зиёд ноёб артефактларни, жумладан, Тутанхамоннинг тўлиқ хазинасини ўз ичига олган. Ушбу музей лойиҳаси Миср ҳукумати ва халқро ҳамкор ташкилотлар — ЮНЕСКО ва Япония халқро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан амалга оширилган. У Нил vodiysidaги беш минг йиллик цивилизацияни, инсоннинг илк маънавий изланишларини ва тарихий хотирасини ўзида ҳам-

лаган улкан илмий-маърифий ва маданий мажмуадир.

Президент Абдулфаттоҳ ас-Сиси Катта Миср музейи очилишидаги нуктида ушбу музейни мулоқот учун майдон, билим учун макон, инсоният учун учрашув жойи, дея таъкидлади.

Музейнинг архитектураси ва концепцияси жаҳон цивилизацияларининг ўзаро боғлиқлигини ифода этади. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон делегациясининг иштирокини ҳам маданий дипломатиянинг аққол кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам маданий меросни асраш ва музей ишини такомиллаштириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. “Музейлар тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, давлатимиз раҳбарининг “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишга оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар музей соҳасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Ушбу сиёсатнинг бош мақсади — музейларни фақат экспонатлар сақланадиган жой эмас, балки миллат тарихини англаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган маънавий мактабга айлантиришдир.

Айни вақтда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ

музейлар фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 30 га яқин музейлар янгидан барпо этилди.

Ислохотлар доирасида музейлар фондиди рақамлаштириш, замонавий интерфаол технологиялар ёрдамда музейларга “3D” визуализация ва виртуал турларни жорий этиш, янги музейлар қуриш, халқро стандартлар асосида уларнинг моддий-техника базасини янгилаш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда музейлар фақат миллий мерос эмас, балки Ўзбекистоннинг халқро имижини шакллантирувчи маданий дипломатия воситасига айланмоқда. Ўзбекистон экспонатлари Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Қатар, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Хитой, Япония ва бошқа 20 га яқин давлатларда ташкил қилинган нуфузли халқро кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилмоқда. Бу жараёнда музейлар мамлакатимизга сайёҳлик оқимини кўпайтириш билан бирга маданий яқинлик орқали тинчликни ва ўзаро ҳурматни янада мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон делегациясининг Катта Миср музейининг очилишига тақлиф этилганини ва иштирокини Мисрнинг мамлакатимизга, давлатимиз раҳбарига бўлган юксак ҳурмати сифатида баҳолаш мумкин.

«Халқ сўзи».

Интернет хабарлари асосида Ш. ТЎЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Соҳа вакилларининг қуйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам айнан шу ҳақда.

Эл-юрт саломатлиги энг катта бойликдир. Ҳолбуки, тинчлик ва соғлиқ бор жойда ўсиш, ўзгариш, бахтли ҳамда фаровон ҳаёт ҳукм суради. Бу йўлда биз, соҳа ходимлари ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз, албатта.

Ўтган йиллар мобайнида Тошкент шаҳри тажрибаси асосида барча ҳудудда тез тиббий ёрдам бўйича электрон автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилди, Call-марказлар фаолияти аниқ равишда чақирувни

— Инсоният яралибдики,
дардга чалинганида, турли


Мамлакатимизда жамияти-
мизнинг барча соҳалари
қаторида тиббиётнинг ри-
вожланиши, халқимизнинг
сифатли тиббий хизматлар-
дан фойдаланиши, шифокор-
ларнинг билим ва кўникма-
лари, маҳоратларини оши-

Эгнига оқ либос кийган са-
ломатлик посбони борки,
одамлар соғлиги ва бахтиёр
умри учун масъулдир. Зеро,
халқимиз соғлигини мус-
таҳкамлаш, дардини аритиш-
ча ҳисса қўшиш, айтиш мум-
кин бўлса, Абу Али ибн Сино-
дек буюқ аждодларимизга му-
носиб ворис бўлиш ҳам катта
саодатдир.

— Инсон хаста бўлганда нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам оғриқларни бошдан кечиради. Шундай экан, шифокор ҳузурига ёрдам сўраб келаётган хастага малҳам бўлишни истайди, бундай вазиятда унинг малакаси ва ширин сўзи жонга жон, дардга дармон бўлади.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда tibbiy мутахассисларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, худудларнинг шифокорларга бўлган эhtiйжларидан келиб чиққан ҳолда tibbiy биёт олий таълим муассасаларида мақсадли қабулни шакллантириш, бу йўналишдаги олий ўқув юртлари сонини ошириш борасидаги ишлар соҳада кадрлар сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Мисол учун, бундан 8 йил илгари мамлакатимизда тиббиёт йўналишида 7 та олий таълим муассасаси фаолият юритарди. Бугун эса уларнинг сони 10 дан ошиқ ва 16 та бакалаврият



Мен ҳам мактабни тугатгач, шарафли касбнинг вакили бўлиш ниятида Тошкент давлат тиббиёт университетиغا ўқишга кирдим. Мақсадим университетни аъло баҳоларга тамомлаш ва у ерда олган билимларимни ҳаётда қўллаш, халқимизнинг дардига дармон бўладиган шифокорга айланишдан иборат.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

РЕКЛАМА

- 1. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш кафедраси:** кафедра мудири, профессор (1), доцент (7);
- 2. Аxbоротларга ишлов бериш ва бошқариш тизимлари кафедраси:** профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (2);
- 3. Метрология, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси:** профессор (1), доцент (4), катта ўқитувчи (1);
- 4. Рақамли электроника ва микроэлектроника кафедраси:** профессор (1), доцент (2), катта ўқитувчи (2), ассистент (1);
- 5. Мехатроника ва робототехника кафедраси:** кафедра мудири, профессор (1), катта ўқитувчи (3);
- 6. Электрон аппаратларни ишлаб чиқариш технологияси кафедраси:** доцент (2), катта ўқитувчи (2), ассистент (1);
- 7. Аxbорот технологиялари кафедраси:** доцент (2);
- 8. Радиотехник қурилмалар ва тизимлар кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи (3);
- 9. Биотиббиёт муҳандислиги кафедраси:** ассистент (1).

1. **Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси:** катта ўқитувчи (1);
2. **Ўзбекистон тарихи кафедраси:** доцент (1), катта ўқитувчи (1);
3. **Фалсафа ва миллий ғоя кафедраси:** доцент (1);
4. **Жисмоний тарбия кафедраси:** ассистент (5);
5. **Олий математика кафедраси:** доцент (2), катта ўқитувчи (1), ассистент (2);
6. **Умумий физика кафедраси:** профессор (1), доцент (1), ассистент (1);
7. **Умумий кимё кафедраси:** доцент (1);
8. **Чизма геометрия ва компьютер графикаси кафедраси:** катта ўқитувчи (1), ассистент (1).

1. Чет тиллари кафедраси: доцент (4).

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширадилар.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур университетда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 2-уй,
Тошкент давлат техника университетининг бош биноси 425, 212-хоналар.

Телефонлар: 71-207-08-59, 71-207-14-52.

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси – 229. Бюртма Г – 1142. 10 552 нуқаддан босилди,
ҳажми – 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳои келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

А. Исмаилов томонидан саҳифаланди

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
"Парқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
м Каримов кўчаси, 55-уй.
и муҳаррири — Ҳ. Қаршиев.
х — С. Исломов.